


Замахшарий



15:15 / 17.01.2019 4377

Аллома Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад Замахшарий Хоразмий Наҳвий.

У киши 1075 йилда Замахшар қишлоғида таваллуд топганлар. Бу Хоразм қишлоқларидан биридир.

Балоғат, араб тили, маъно ва баён илмида пешво бўлганлар. Гўзал назмлари ҳам бор.

«Ал-Кашшоф» ва «Ал-Муфассал» китобларининг муаллифи.

Илм талабида юрт кезганлар. Бағдодда Наср ибн Батир ва бошқалардан ҳадис эшитганлар.

Маккада Байтуллоҳнинг ёнида яшаганлар. Кўплаб олим ва шогирдлар етишиб чиқишига сабабчи бўлганлар.

Тожул Киндий айтадилар: «Замахшарийни имом Абу Мансур ибн Жаволиқийнинг уйларида кўрганман».

Камол Анборий айтадилар: «Замахшарий ҳаж қилиш учун Маккага келганларида, шайхимиз Абу Саодат ибн Шажарий кутиб олиб, шаънларига шеър ёздилар:

Карвонлардан етиб турарди ҳар он,

Аҳмад ибни Али ҳақда хушхабар.

У зотнинг ўзларини кўрганим ҳамон,

Билдим: эшитганимдан ҳам мўътабар».

Улуғлаб, мақтаётганларида сўзларини тугатмагунларича, у киши ҳеч нарса демадилар. Ўзларини у кишининг ёнларида кичик санадилар ва қуйидаги ҳадисни айтиб бердилар:

«Зайд Хайл деган киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кириб, баланд овоз билан шаҳодат калимасини айтди. У зот соллalloҳу алайҳи васаллам унга: «Эй Зайд, менга ҳозиргача кимни тавсифлаган бўлсалар, сендан бошқаси васфланганидан кўра пастроқ эди. Лекин сен таърифлаганларидан кўра ҳам улуғроқ экансан», - деган эканлар. Улуғлар ўзи шундай бўлади. Замахшарий Абу Саодатнинг ҳақларида дуо қилиб, мақтадилар».

Замахшарийдан ижозат билан Абу Тоҳир Силафий ва Зайнаб бинти Шаърийлар ҳадис ривоят қилишган.

Самъоний айтадилар: «Адаб илмида пешқадам эдилар. Кўп мусаннафот ёзганлар. Ироқ ва Хуросон диёрларида илм тарқатганлар. Қайси шаҳарга борсалар, атрофларида одамлар тўпланишар ва шогирд тушишарди. Насабдон аллома бўлганлар. Бир муддат араб қабилаларининг орасида юрганлар. Бу у кишининг сўзларидан билиниб турган. 1143 йил арафа кечасида вафот этганлар».

Ибн Халикон айтадилар: «У кишининг ғариб ҳадисларга оид «Ал-Фоиқ» номли асарлари бор. Яна қуйидаги китоблари ҳам мавжуд: «Рабийъул аброр», «Асосул балоға», «Муштабаху асомий рувот», «Ал-Насоиҳ», «Ал-Минҳож», «Золлатун ношид».

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан